Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 192 (5483).
24 АВГУСТ 1984й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● СССР билан РСР ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш совет ва румин халқларининг манфаатларига, тинчлик ва социализм ишига мос бўлиб тушади. Москва меҳнаткашлари вакилларининг Руминия фашизм зулмидан озод бўлган куннинг 40 йиллигига бағишлаб 22 августда ўтказилган тантанали йиғилишида шу фикр уқтириб ўтилди.

Президиумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин, КПСС Марказий Комитетининг секретари И. В. Капитонов, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Сўзга чиққан нотиқлар Руминиянинг фашизм зулмидан озод этилиши унинг халқи турмушида янги давр, чинакам миллий ва социал тикланиш даврини очганлигини уқтириб ўтдилар.

САВДО ИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

Ўн саккизинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ўн биринчи сессиясидан

Кеча ўн саккизинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ўн биринчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов очди.

Сергели район партия комитетининг биринчи секретари, депутат Б. Т. Турик сессия раиси, марказий статистика бошқармасининг оператори, депутат Г. Б. Мадаминова сессия секретари этиб сайландилар.

Сессия қуйидаги кун тартибини тасдиқлади:

1. Ўринлари бўшаган депутатлар ўрнига қўшимча сайловлар якунлари тўғрисида мандат комиссиясининг доклади.

2. «Тошкент шаҳри аҳолисига савдо хизмати кўрсатишнинг аҳволи ҳамда КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди, КПСС Марказий Комитетининг февраль ҳамда апрель (1984 йил) Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида савдо хизмати даражаси ва маданиятини янада юксалтириш тадбирлари тўғрисида.

3. Шаҳар Совети уй-жой хўжалиги бўйича доимий комиссиясининг ҳисоботи.

Савдо хизмати кўрсатиш бўйича Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари С. Г. Любишин доклад қилди.

Сессияда Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари, депутат О. С. Расулов, Чилонзор район Совети ижроия комитетининг раиси, депутат Н. А. Деҳқонхўжаев, Тошкент трактор заводи слесари, депутат В. А. Долженков, шаҳар халқ контроли комитетининг раиси, депутат Ф. Н. Назруллаев, «Отделстрой» трести партия комитетининг секретари, депутат А. Р. Мокшин, «Гастроном» идораси катта сотувчиси, депутат З. М. Костилёва, «Ташкентпиво» бирлашмасининг бош директори, депутат Г. А. Гуржиев, марказлашган усулда юк ташиш Тошкент шаҳар автомобиль транспорт трестининг бошқарувчиси, депутат М. М. Алиев, Ўзбекистон ССР Савдо министрининг ўринбосари, депутат В. П. Виноградов сўзга чиқдилар.

Уй-жой хўжалиги бўйича доимий комиссиясининг раиси — Акмал Икромов район партия комитетининг биринчи секретари Х. К. Камолов шаҳар Совети уй-жой хўжалиги бўйича доимий комиссиясининг ҳисоботини қилди.

Тошкент шаҳар Совети сессияси ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети савдо ва маиший хизмат кўрсатиш бўлими мудири Б. И. Бугров, Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин, Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретарлари А. В. Гончарова ва С. М. Юсупов, Ўзбекистон ССР савдо министри М. Ҳ. Ҳасанов, Ўзбекистон ССР гўшт-сут саноати министри И. Р. Мамажонов, Ўзбекистон ССР мебель ва ёғочсозлик саноати министри А. Х. Умаров қатнашдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми аҳолига савдо хизмати кўрсатишни янада янги, сифат жиҳатдан юксак даражага кўтариш кераклигини кўрсатди ва халқ депутатлари маҳаллий Советларидан ҳамда савдо ташкилотларининг раҳбарларидан уларга ишониб топширилган иш соҳасида масъулиятни оширишни талаб этди. Бундай талаб КПСС XXVI съезди ва партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари, Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларига тўла мувофиқдир. Бинобарин, савдо хизмати савияси аҳоли моддий фаровонлиги ўсишининг асосий кўрсаткичларидан биридир. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг ўн биринчи беш йилликда савдони янада ривожлантириш ва аҳолига савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги қарори ана шунга даъват этади.

Докладчи шуни таъкидладики, Тошкентда чакана товар оборотн ҳажми сезиларли даражада ўсди. Бу йил 1980 йилга таққослаганда у 512 миллион сўм ёки 24,7 процент ошди. Аҳоли жон ошига ҳисобланганда бу республика бўйича ўртача 773 сўм ўрнига 1265 сўмни ташкил этади. Шаҳарда 1905 та магазин, 2 мингта яқин умумий овқатланиш корхонаси бор. Уларнинг кўплари замонавий савдо-технологик ускуналар билан жиҳозланган. Савдо соҳасида 52 минг киши меҳнат қилмоқда.

Ўн биринчи беш йиллик бошидан буён савдонинг моддий-техника базасини яхшилашга 68 миллион сўм капитал маблағ сарфланди. Ҳалқлар дўстлиги проспектида «Малиш, Пионер, Юний техник» савдо комплекси, Ленин, Чилонзор, Собир Раҳимов, Фрунзе районларида универсамлар, Сергелида савдо маркази, китоблар уйи, янги турар жой массивларида бир қанча магазинлар, Ўзбекистон 50 йиллиги проспектида эса «Ганга», «Техника в быту», «Скопле» магазинлари сингари йирик объектлар қурилди.

Шу билан бирга сессияда таъкидланишича, шаҳар савдо ва умумий овқатланиш корхоналари фаолиятида жиддий камчилик ва нуқсонлар бор. Беш йилликнинг товар оборотн бўйича ўтган уч йиллик топшириғи бажарилмади. Салкам 67 миллион сўмлик кам савдо қилинди. «Алмаз» бирлашмаси — 45 миллион сўм, «Ташнефтебаза» — 9 миллион сўм, «Ташхозторг» — 8,5 миллион сўм, «Болалар дунёси» фирмаси — 7,7 миллион сўм, Чилонзор марказий универсал магазини — 6 миллион сўмга товар оборотн планини кам бажаришди. Кўпгина савдо қоллективлари шу йилнинг етти ойлик товар обороти планларини уддалай олишмади. Айниқса Ленин ва Собир Раҳимов, Акмал Икромов, Киров ва бошқа районларда бундай савдо корхоналари кўп.

Корхоналарнинг ишлаш режими бузилмоқда. Аҳолини энг зарур моллар билан таъминлашда узилишларга йўл қўйилмоқда, ҳолбуки саноат бундай молларни етарли даражада ишлаб чиқаряпти. База ва омборларда бу моллар мавжуддир. Харидорлар савдо ходимларининг лоқайдликлари ва қўполликларига дуч келаётган ҳоллар оз эмас. Магазинда мол бўлса ҳам харидорлар магазиндан қуруқ чиқишяпти ва кайфиятлари бузилмоқда.

Сессияда таъкидланишича, аҳолини чорвачилик маҳсулотлари гўшт, сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлашда ҳали баъзи қийинчиликлар мавжуддир. Бу эса завод, фабрика ва ташкилотларнинг ёрдамчи • хўжалик имкониятларидан тўлароқ фойдаланишларини тақозо этади.

Сессияда, шунингдек нон маҳсулотлари корхоналари ишида жиддий нуқсонлар мавжудлиги таъкидлаб ўтилди. Магазинларда харид қилинаётган мева ва сабзавотлар турлари етарли эмас. «Ташплодоовощ» бирлашмаси шаҳар Совети ижроия комитети савдо ва умумий овқатланиш бош бошқармалари раҳбарлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини савдога етказиб беришнинг, шу жумладан «Дала-магазин» усули сингари прогрессив формаларини ривожлантириш ишини бўшаштириб юбордилар. Колхоз бозорларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан чайқовчилик қилаётганларга қарши етарлича кураш олиб борилмаяпти.

Шаҳарда ошхоналар, ресторанлар, кафелар тармоғи изчил кенгайиб бормоқда. Беш йилликнинг ўтган уч йили ичида бу соҳада товар обороти 16 процентдан зиёдроқ ошди, ўз кучлари билан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 11 процент кўпайди. Лекин кўпгина ошхоналарда тайёрланаётган овқатларнинг турлари кам ва сифати паст. Масаллиқни солиш нормаларига риоя қилинмаяпти. Мева, сабзавот, картошка, балиқ ва хамир маҳсулотларидан салат ва овқатлар тайёрлаш етарлича эмас. Шаҳар умумий овқатланишини иқтисодий ва социал ривожлантиришдаги нуқсонлар, сессияда таъкидлаб ўтилганидек, муайян даражада бош бошқарма аппарати ва унинг раҳбарлари ишининг қониқарсизлиги билан боғлиқдир.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан депутатлар шуни таъкидлаб ўтишдики, умумий овқатланиш бош бошқармаси, саноат, қурилиш, транспорт, алоқа корхоналари, халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари ишлаб турган бир қатор ошхоналарни реконструкция қилиш, янгиларини қуриш, уларни хом ашё, ярим фабрикатлар билан таъминлаш йўлларини излашлари, хизмат кўрсатишнинг илғор форма ва усулларини, овқатлар тайёрлашнинг прогрессив технологиясини жорий этиш ҳақида жон қуйдиришлари керак. Умумий овқатланиш корхоналарини индивидуал усулда ишлашга ўтказишни жадаллаштириш учун суткасига 10 тонна ярим фабрикат тайёрлайдиган қувватга эга бўлган тўртта тайёрлов ошхонаси қуриш зарур.

Бу йил савдо тармоқларида катта қурилиш программасини амалга ошириш кўзда тутилган. Жами 14 миллион сўмга яқин капитал маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Магазинларнинг майдони 10 минг квадрат метрга кўпаяди. Умумий овқатланиш тармоқлари 2700 минг ўринга кўпайиши керак. Ҳозир шаҳар савдосининг моддий-техника базаси ривожланишдан орқада қоляпти. Бу эса савдо хизмати кўрсатиш даражасига салбий таъсир этмоқда. «Главташкентстрой» қурувчилари ўн биринчи беш йиллик бошидан буён 90 та объектни, яъни 24 минг квадрат метрдан зиёд савдо майдонини ишга туширишмагани бу аҳволни янада қийинлаштирмоқда. Бу йил бинолар ичида, унга туташ қурилган 37 та объектдан ҳали 8 таси иш бошлагани йўқ.

Савдо хизмати кўрсатишдаги жиддий нуқсонлар кадрлар танлашни, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни кескин яхшилашни талаб этади.

Беш йилликнинг тўртинчи йили кўп жиҳатдан умуман беш йиллик натижаларини белгилаб беради. КПСС XXVII съездига тайёргарлик бошланмоқда. Буларнинг ҳаммаси уюшқоқлик, масъулиятни оширишни, мунтазам ва қизғин иш олиб боришни талаб этади.

Мандат комиссиясининг раиси, депутат И. Г. Чиженок доклади юзасидан Тошкент шаҳар Совети 10-сайлов округидан қайта сайланган депутат А. В. Гончарова ва 221-сайлов округидан сайланган депутат А. М. Солиҳов ваколатларини тўғри деб топди.

Сессия кўриб чиқилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилди.

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИГА — ЗАРБДОР СУРЪАТ

● Истеъмол буюмларига — кенг йўл

АҲДГА ЯРАША

Шаҳримиздаги кенг истеъмол буюмлари фабрикаси коллективи серқуёш Ўзбекистонимизнинг 60 йиллик муборак юбилейи йилида 2 миллион 50 минг сўмликдан зиёд оммабоп маҳсулотлар тайёрлашга аҳд қилган. Ҳозирга қадар ана шу миқдорнинг аксарият қисми тайёрланиб харидорларга етказилди. Корхонада юбилей шарафига уч хил янги маҳсулотлар оммавий равишда ишлаб чиқаришга жорий этилди. Замонавий мода талабларига жавоб берувчи соч тўғнағичлари шулар жумласидандир.

БУГУН

фабрика коллективининг ўн биринчи беш тайёрлаб савдо тармоқларига етказиб берган ана шундай маҳсулоти 85 минг донадан ошиб кетди. Йилнинг декабрь ойигача яна 55 минг дона сифатли тўғнағичлар тайёрланади.

Корхона фидокорлари айни кунларда «Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига — 40 зарбдор ҳафта» ҳаракатига сидқидилдан кўшилиб меҳнат қилишмоқда. Улар умумхалқ байрамини белгилангандан ҳам юксак кўрсаткичлар билан нишонлаш учун курашишмоқда.

АҲИЛ БРИГАДА

«Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида С. Маламуд бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси ҳақли равишда энг илғор коллективлардан бири ҳисобланади. Ушбу бригада аъзоларининг ўзаро аҳиллиги, уюшқоқлиги, ҳамиша бирбирига ёрдамга келишга тайёрлиги коллективга смена топшириқларини мунтазам орттириш билан адо этиш имконини бермоқда. Бригада аъзолари тайёрлаётган пахта тозалаш заводлари ва пахта тайёрлаш пунктлари учун мўлжалланган турли контроль приборлари ниҳоятда сифатлилиги билан ажралиб туради. Шу кунларда бригада Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун зарбдор вахтада туриб ғайрат билан меҳнат қилаяпти.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга) бригада етакчиси С. Маламуд, бригада аъзолари Л. Лукьяненко, А. Беляков, Ф. Шагаев, А. Бигнев.

М. Нуриддинов фотоси.

ТОШКЕНТЛИК АЛОҚАЧИ КОНКУРС ҒОЛИБИ

Андижонда республикамизнинг энг яхши телеграфчилари, телефончилари ва операторлари ўз маҳоратини намойиш қилган анъанавий конкурс ниҳоясига етди. Тошкентнинг Киров райони алоқа узелига қарашли 187-алоқа бўлимининг ёш ишчиси Л. Цесюра операторлар ўртасида конкурс ғолиби бўлди.

У ўрта мактабни тугатгандан кейин дарров алоқа бўлимига ишга келди ва бу ерда беш йилдан буён меҳнат қилмоқда. Людмила ёшлигида касб ҳақида ўйлар экан, 10-синфда ўқиб юрган чоғидаёқ алоқачи бўлишга аҳд қилди, ота-онаси эса унинг орзусини маъқуллашди.

— Республика конкурси ғоятда қизғин бўлди, — деб ҳикоя қилади Людмила, — биз операторлар посилкалар ва пул жўнатмалари (шу жумладан халқаро жўнатмалар)ни қабул қилиш, барча тегишли ҳужжатларни қайта ишлаш борасида мусобақалашдик. Конкурс шартига кўра ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш ва тезкорлик талаб қилинди. Мен бундай ишлар учун 46 минут вақт сарфладим. Бу энг яхши кўрсаткич эди.

Пайтдан фойдаланиб, ўрта мактабларни битираётган қизларга мурожаат қилиб айтаманки, алоқачилик касбида ишлашдан тортинманглар. Бу касб одамларга жуда ҳам керак ва зарур.

● Яхши дам — меҳнатга ҳамдам

ЯНГИ ДАМ ОЛИШ ЗОНАСИ

Ёз фаслида Чимён ва Бурчмуллада дам олиб ҳордиқ чиқариш кишига ором бағишлайди. Водий, тоғли йўллар орқали сайр қилиш киши саломатлиги учун жуда ҳам фойдали. Кейинги йилларда партия ва ҳукуматимиз бошқа дам олиш жойлари каби Чимён ва унинг бағридаги ерларда дам олиш зонаси, пионер лагерлари қуриш ва уларни янада кенгайтиришга катта эътибор бермоқда. Бугунги кунда «Миконд», трактор заводи ишчилари учун янги дам олиш зоналари қурилиши бошлаб юборилди. «Шодлик», «Конструктор» каби ўнлаб пионер лагерларида азиз ҳамшаҳарларимизнинг фарзандлари ёзнинг жазирама кунларида мириқиб ҳордиқ чиқаришмоқда.

«Чотқол» дарёси кўпригининг чап томонида эса Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг «Чотқол» дам олиш зонаси бу йил ўз бағрига биринчи хордиқ чиқарувчиларни кабул қилди. 108 гектар майдонни эгаллаган бу оромгоҳда дам олувчилар учун барча шароитлар яратилган. Хордиқ чиқарувчиларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтишида «Чотқол» дам олиш зонаси маъмурияти ҳамма кулайликларни яратмоқда.

А. ТУЙЧИЕВ.

Италиядан келган меҳмон

Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Италия Коммунистик партияси раҳбарлик органининг аъзоси Жерардо Кьяромонте Ўзбекистонга келди. У Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўрди, Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишди. Италиядан келган меҳмон Самарқандга сафар қилади.

23 августда Ж. Кьяромонте Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилинди. (ЎзТАГ).

МЕҲНАТДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ УЧУН

кеча

шаҳар почта алоқаси ишлаб чиқариш техника бошқармаси шу йилнинг биринчи ярим йиллиги иш якунларига кўра коллективга Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, касаба союзлари область Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилиши муносабати билан танланали йиғилиш бўлиб ўтди.

Шаҳар почта алоқаси ишлаб чиқариш техника бошқармаси шу даврда таъриф даромади планини бир мунча ошириб бажарди, маҳсулот ҳажми кўпайтирилди, янги почта бўлимлари очилди, меҳнат унумдорлиги ошди.

Бошқарма коллективига кўчма Қизил байроқни Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари С. М. Юсупов топширди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика суд органларида кўп йил самарали ишлаганликлари, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш ишидаги хизматлари учун Ўзбекистон ССР Олий судининг аъзоси ўртоқ Сония Нуриддиновна **Кафизовага «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган юрист»** фахрий унвони берди ва Ўзбекистон ССР Олий судининг аъзоси ўртоқ Тамара Ивановна **Поздняковани** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Ўзбекистон кўрлар жамияти XV Тошкент область конференцияси бўлиб ўтди. Конференция делегатлари жамият президиумининг раиси А. Нурмуҳамедовнинг ҳисобот докладини ва ревизия комиссиясининг докладини муҳокама қилдилар. Ўзбекистон кўрлар жамияти Тошкент область правлениесининг янги состави сайланди. Олдинда турган вазифалар белгилаб олинди.

●

«Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси ётоқхона гарнитурларининг дастлабки тажриба туркумини ишлаб чиқарди. Ана шу гарнитурларнинг ҳар бирига иккитадан каравот, тумбочка, шкаф ва бир трельяж киради.

Мебелларга қимматбаҳо ёғочлардан ишлов берилиб, полизфирли лак билан қопланган.

ОБ-ҲАВО

● **Бугун эртаклб соат 11 да Тошкентда** 28 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 17—19, эртага кундузи 36—38 даража иссиқ бўлади.

Рекордлар, чемпионлар

«Дўстлик-84» халқаро мусобақаларининг белгашувлари қизғин давом этмоқда. Сузувчилар навбатдаги рекордларни ўрнатишди. Сильвия Гераш (ГДР) 100 метрга брасс усули билан сузишда жаҳон рекордини, Татьяна Курникова (СССР) 100 метр масофага баттерфляй усулида сузишда Европа рекордини ўрнатди. Яна бир Европа рекордини совет спортчилари 4х100 метрга эркин усулда эстафетали сузишда ўрнатишга муваффақ бўлдилар.

● Ягона сиёсий кун

Жамоат тартибини ва интизомни мустаҳкамлайлик

БУГУН шаҳар саноат, транспорт корхоналарида, қурилишларда, фан, маданият, соғлиқни сақлаш, маиший хизмат кўрсатиш ва коммунал хўжалиги муассасаларида ягона сиёсий кун бўлиб ўтади. Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар ва район комитетларининг сиёсий докладчилари ва лекторлари «Шаҳарда намунали тартиб ўрнатиш — ҳар бир тошкентликнинг ишидир» мавзуида меҳнаткашлар ҳузурида доклад қиладилар.

Улар бу учрашувларда шаҳар партия ташкилоти, халқ депутатлари Советлари, ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари ва жамоат ташкилотларининг Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш ҳаракатини янада ривожлантириш бўйича олиб бораётган ишлари тўғрисида меҳнаткашларга ҳикоя қилиб берадилар.

Бу ҳаракат билан боғлиқ проблемаларни муҳокама қилиш чоғида партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг февраль ва апрель (1984 йил) Пленумлари қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг йўл-йўриқлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида партия, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш масалаларига катта эътибор қаратадилар.

ЯДРО ПЛАЦДАРМИГА АЙЛАНТИРМОҚДАЛАР

● Шарҳчи сатрлари

Япониядаги Йокосука ҳарбий-денгиз базасига Американинг «Сарго» ва «Аспро» деб аталган икки атом сув ости кемаси келиб тўхтади. Август ойи бошларида бу портга «Драм» атом сув ости кемаси келиб кетган эди. Буларнинг ҳаммаси «Томагавк» қанотли ядро ракеталари билан таъминланаётган «Стэржен» типидаги зарбдор сув ости кемалари қаторига киради. Қарийб айни бир вақтда бу портга энг янги «Олендорф» ракета фрегати ҳам кириб келди. Фрегат сув усти ва сув ости кемаларига қарши ядро қуролини элтаоладиган «Гарпун» ва «Асрок» ракеталарига эга. Пентагон эълон қилганидек, бу фрегат ҳам шу йил ёздан бошлаб «Томагавк» ядро ракеталари билан таъминланмоқда.

АҚШнинг Япония сувларидаги бу кенг кўламдаги ҳарбий намойишини тасодифий деб бўлмайди. Бу, аввало, АҚШнинг региондаги ҳарбий-сиёсий активлиги кенгайиб бораётганлиги, Вашингтон Американинг бу ерга жойлаштириб қўйилган ҳарбий кучларини энг янги ракета-ядро қуроли билан таъминлаш, ўз иттифоқчиларини ва биринчи галда, Япония билан Жанубий Кореяни ядро плацдармига айлантириб қўйиш йўлидан бораётганлигининг бевосита натижасидир.

АҚШ мудофаа министрининг халқаро хавфсизлик ишлари бўйича ёрдамчиси Р. Армитаж бундан атиги бир ой илгари Вашингтон Япония портларига Американинг «Нью-Жерси» линкори киритилишига эришиш ниятида эканлигини таъкидлаган эди. Япония матбуотининг кўрсатиб ўтишича, бу кема ўтган йилиёқ одатдаги қалпоқчали «Томагавк» ракеталари билан таъминланган. «Иомиури» газетасининг ёзишича, бу кемада ядро қалпоқчали «Томагавк» ракеталарининг борлиги эҳтимолдан асло ҳоли эмас. Армитаж бунда Пентагон яхши ният билан иш кўраётганлигига япониялкларни ишонтиришга уриниб, «Нью-Жерси» АҚШ Тинч океани районини мудофаа қилишга қатъий қарор берганлигининг рамзи эканлигини таъкидлади. Бироқ Вашингтоннинг «мудофаа» тўғрисидаги сўзлари амалда «ҳужум қилиш», суверен мамлакатлар ва халқларга қарши агрессия қилиш деган маънони англатиши сир бўлмай қолди.

Вашингтон билан Токио Японияда ва уни қуршаб турган сувларда Америка ядро қудратини кўпайтирмоқда. Буни «ҳужум бўлиб қолган» тақдирда Японияни «ядро соябони билан ҳимоя қилиш» тўғрисида ғамхўрлик деб кўрсатишга уринилмоқда. Амалда эса худди Ғарбий Европадагидек бу районда ҳам ядро можароси келиб чиққан тақдирда Японияни «ҳарбий ҳаракатлар» майдонига айлантириб қўйишга тайёргарлик кўрилмоқда. Вашингтонда шундай можаро келтириб чиқаришнинг турли вариантлари ишлаб чиқилмоқда.

Ўзининг америкапарастлик майиллари билан яхши таниш бўлган Лунс Лорд Каррингтонга НАТО бош секретари лавозимини топширгандан истеъфодаги арбобларга хос ошкоралик билан мана бундай гапни айтган эди: «америкаликлар Американи Нью-Йоркдаги Лонг-Айлендда эмас, балки Эльбада «мудофаа» қилиш керак деб ҳисобларкан». Ғарбий Европани «мудофаа» қилмоқдалар. Япония ҳам Қўшма Штатларга ўзи бошламоқчи бўлаётган ядро можаросида интиқомдан омон сақланиб қолиш учун керак.

А. БИРЮКОВ, ТАСС шарҳчиси.

Хатларга мутасадди раҳбарлар жавоби

«Тошкент оқшоми»га

«ГРАЖДАНЛАРНИНГ ХАТЛАРИ, ИЛТИМОСЛАРИ ВА ШИКОЯТЛАРИГА СЕЗГИРЛИК ВА ДИҚҚАТ БИЛАН МУНОСАБАТДА БЎЛИШНИ ҲАР БИР ПАРТИЯ ХОДИМИ, ҲАР БИР РАҲБАР ХАЛҚ ОЛДИДАГИ, ПАРТИЯ ОЛДИДАГИ БУРЧИ ДЕБ БИЛМОҒИ КЕРАКЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОИДАЛАРГА ҚАТЪИЙ АМАЛ ҚИЛСИНЛАР».

(КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида меҳнаткашларнинг хатлари ва таклифлари билан ишлашни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қароридан).

• ИНСОН ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК | • ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ | • ШАХСИЙ МАШИНА ЭГАЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН | • ЙЎЛОВЧИ НЕГА РАНЖИДИ?

«Ҳурмат белгиси» ордени кавалери Қумри Бердиева саккиз йилдан бери Охунбобоев номидаги бош кийимлар фабрикасида тикувчи-мотористка бўлиб меҳнат қилиб келмоқда. У эришаётган кўрсаткичлар ҳамкасблари учун ибратли бўлмоқда. Қ. Бердиева ҳозирги кунда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган социалистик мусобақада пешқадамлик қиляпти. Унинг меҳнат календарида айни пайтда 1986 йилнинг август ойи очилган.

СУРАТДА: меҳнат илғори Қ. Бердиева.

Х. Мирзакаримов фотоси.

Ҳурматли редакция! Мен беш йилдан буён «Главташкентстрой» системасида меҳнат қилиб келаман. Яқинда касаба союз ташкилоти менга санаторийга йўлланма берди. Айтингчи, мен касаллик варақаси ҳам олиш ҳуқуқига эгаманми! Умуман, бу варақа қай ҳолларда берилади!

А. ХОЛИҚОВ,
инженер-қурувчи.

• ИНСОН ВА ҚОНУН

КАСАЛЛИК ВАРАҚАСИ ҚАЙ ҲОЛЛАРДА БЕРИЛАДИ?

А. ҲАСАНОВ,
Узбекистон касаба союзлари республика Советининг штатсиз инспектори, юрист.

— Касаба союзлари ташкилотидан (бепул ёки 30 процент ҳақ тўлаб) йўлланма олган ходим санаторийнинг тўлиқ таъминотида бўлади. Бундай ҳолда касаллик варақаси унга берилмайди. Бироқ баъзида санаторийда дам олишга (даволанишга) отпуска вақти етишмайди. Бундай ҳолда йўлланма касаба союзлари ташкилоти ёки юқори касаба союзи ташкилоти томонидан берилган бепул ёки 30 процент ҳақ баробарига берилган бўлсагина етишмаган кунлар учун касаллик варақаси берилади. (Сил касалликлари санаторийларида даволаниш бундан истисно). Агар йўлланма ёки курсовка социал страхованиеси ҳисобига берилмай, жумладан корхона фонди, давлат бюджети ҳисобидан берилса касаллик варақаси очилмайди.

Бу қоидадан истисно тариқасида сил касаллигининг актив формаси, ишлаётган I ва II группа Улуғ Ватан уруши инвалидлари, шунингдек ҳарбий хизматчилар орасидан чиққан СССРни ҳимоя қилишда ярадор, контузия, жароҳатланиш натижасида ёки бошқа ҳарбий хизмат билан боғлиқ мажбуриятларни бажариш, ёки бўлмаса фронт билан боғлиқ бўлган касалликлар натижасида тайинланган I ва II группа инвалидлари ички ишлар министрлиги органларининг бошлиқлари ёки оддий состав орасидан чиққан хизмат вазифасини ўташ билан боғлиқ бўлган жароҳатланиш, контузия ёки ярадор бўлиш натижасида инвалид бўлган I ва II группа инвалидларига санаторийда даволаниш учун йўлланма ким томонидан ва қандай ҳисобдан берилишидан қатъий назар етишмаган кунлар учун касаллик варақаси берилади.

Бундан ташқари стационар даволаш профилактик муассасаларида юрак томир касалига чалингандан кейин санаторийга юборилган ходимларга даволанишга кетган ҳамма вақт учун ҳам касаллик варақаси берилади.

Курсовкасиз даволаниш учун социал страхование маблағи ҳисобига юборилган ходимларга отпуска кунларидан ортиқча дам олган кунларга касаллик варақаси берилмайди.

Агар ишчи (хизматчи) ўзининг меҳнат отпускасидан санаторий ёки курортга боришдан олдин фойдаланган бўлса, у ҳолда ҳам санаторий ёки курортда даволанган муддатга қўшилади. Касаллик варақаси эса ҳисобга олинган кундан тегишли вақтга берилиб, санаторийдаги ортиқча кунларга корхона (муассаса) маъмурияти маоши сақланмайдиган отпуска бериши мумкин.

Касаллик варақасига асосан нафақа фақат ходимни санаторий ёки курортдан қайтиб келганида (касаллик варақасини қайтиш талонини касаба союзлари комитетига топширганида) берилади. Агар ходим даволаш муассасасидан муддатидан олдин қайтиб келса, у ҳолда фойдаланмаган кунлар учун нафақа тўланмайди.

Сил касалининг актив формаси билан оғриган ходимлар сил касалликлари санаторийсида даволаниш учун асосий ва қўшимча отпускалари кунлари етарли бўлмаган тақдирда йўлланмани ким томонидан, қандай ҳисобдан олинганидан қатъий назар, уларга етмай қолган кунлар учун касаллик варақаси берилади.

ОЗОДАЛИККА ЭЪТИБОР

Мен шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармаси хизматчиларининг микрорайонларнинг озодагарчилиги бўйича қандай ишларни амалга ошираётганлиги ҳақида билмоқчи эдим.

Н. ШЕПИН.

А. МАТВИЕНКО,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ободонлаштириш Бош бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи.

— Ҳар куни турар жой микрорайонларидаги чиқиндиларни олиб кетиш учун линияларга пландаги 435 та машина ўрнига 450 —470 та машина чиқарилмоқда. Шундан 10 проценти икки сменада ишламоқда. Ҳозирги кунда кўплаб чиқиндилар кетадиган катта машиналар аҳоли хизматига чиқарилмоқда. Бундан ташқари район ободонлаштириш бошқармаларида фаррошларнинг меҳнатига бригада формаси бўйича маош ўлаш жорий этил

Бу ишларнинг ҳ маси шаҳримизнинг санитария ҳолатини яхшилаш имконини яратмоқда. Бундан ташқари маҳалла комитетлари, турар жой ташкилотлари, билим юртлари, ҳорхона ва ташкилотлар ҳам шаҳримизнинг ҳамиша озода бўлишига жалб этилмоқда.

Машмашами ёки англашилмовчилик?

Мен шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасига қарашли автобазада ҳайдовчи бўлиб ишлайман. Менга берилган автомашинани қабул қилиб олганимга бир йил ҳам бўлганн йўқ. Кеянгги тўрт ой ичида машина икки марта рейсга чиқишга яроқсиз бўлиб қолди. «Эҳтиёт қисм керак», деб сўраганимда эса колонналар бошлиғи «Эҳтиёт қисм йўқ, қаердан топсанг топ», деб жавоб беради. Эҳтиёт қисм бўлмаса автобаза олаётган эҳтиёт қисмлар қаерга кетяпти! Мен қандай қилиб машинани тузатаман! Ана шу машмашалар туфайли уч ой бекор юришга мажбур бўлдим...

М. ШАРИПОВ.

А. ЭШОНОВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси автобазасининг директори.

— Корхонамизнинг бевосита соғлиқни сақлаш ташкилотига қарашли эканлиги — автобаза маъмуриятига ҳам, коллективимизга ҳам катта масъулият юклайди. Бизнинг вазифамиз биринчи навбатда базадаги барча автомашиналарн и н г ишга яроқлилигини мунтазам таъминлаб туришдан иборатдир. Ана шундай масъулиятли бурчни бекамукўст бажаришга катта эътибор бериб келмоқдамиз.

Ҳайдовчимиз М. Шариповнинг шикояти автоколонна бошлиқлари ва цех комитетлари раисларининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама этилди. М. Шарипов ҳақиқатан ҳам уч ой ҳайдовчилик қилмаган. Бу муддат давомида у машинанинг ремонти билан шуғулланган. Айни пайтда у беш кун сабабсиз ишга келмаган. Автоколонна бошлиғи О. Пўлатовнинг айби шундаки, у М. Шариповнинг ана шу прогулларини расмийлаштирмаган.

М. Шарипов «Нисса—521» маркали машинани бошқарарди. Унинг шикоятига кўра, гўё машина бузилган бўлишига қарамай, колонна бошлиғи уни эҳтиёт қисм билан таъминламаган, гўёки бу эҳтиёт қисмлар бор-у, лекин ҳайдовчиларга берилмаяпти, деган маънони уқиш мумкин. Ҳолбуки, мутлақо бундай эмас. «Нисса—521» хорижий маркали машина. Автобаза тўрт йилдан бери бир неча марта буюртма берган бўлишига қарамасдан, ана шу маркадаги машиналарга келадиган эҳтиёт қисмларни умуман олмаган. Бу машиналарга асқотадиган эҳтиёт қисмлар масаласи Бош бошқармада ҳам бир неча марта кўрилган.

Автоколонна бошлиғи О. Пўлатовнинг айби эса — унинг ўз ишчиси М .Шариповни беш кун сабабсиз прогул қилишига йўл қўйиб берганида, уни чақириб иш билан таъминламаганидир. Бу албатта, меҳнат интизоми масаласига киради. Бу лоқайдлиги учун у жазосиз қолмади, албатта. О. Пўлатовга виговор эълон қилинди.

Айни пайтда корхонанинг 1, 2, 3, 4-автоколонна бошлиқларига коллектив ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш, қўл остидаги ишчилар фаолиятини мунтазам равишда назорат қилиб, лозим бўлганда ғамхўрлик кўрсатиш тадбирларини мунтазам амалга ошириб бориш топширилди.

Бизни «Жигули» автомашинасига техник хизмат кўрсатиш жараёнлари қизиқтиради. Масалан, кузовнинг айрим жойларидаги бўёқлар хираланиб, кўчиб қолади ёки машинанинг қанотлари олди ва орқа томонларини занг босиб емирила бошлайди. Машина шундай аҳволга тушмаслиги учун нималарга эътибор бериш керак?

С. САЛИМОВ, А. ОДИЛОВ.

Машинангиз «саломатлиги»— ўз қўлингизда

Газетхонларнинг хатларига «АвтоВАЗтехобслуживание» бирлашмасининг инженери Ш. ИБРОҲИМОВ жавоб беради:

— Кузов — бу автомобиль нархининг 40—50 процентини ташкил этувчи энг қиммат, тайёрлашда кўп металл ва меҳнат талаб этувчи мураккаб қисми ҳисобланади. Тажрибалар натижаси шуни кўрсатадики, автомобилни металлга ёки капитал ремонтга топшириш асосан кузовнинг эскириш туфайли рўй беради. Унинг катта душмани — коррозия. Бу—бутун дунёда жиддий техникиқтисодий масалалардан биридир. Бунинг натижасида машинанинг ремонт харажатлари кескин ортади. Совет мутахассисларининг фикрича коррозиядан келадиган зарар бир йилда миллиард сўмни ташкил этади.

Қор, ёмғир, туман, лойгарчилик ва ифлосгарчиликлар, қишда сирғанчиқ вақтида йўлларга сепиладиган туз эритмалари, атмосферадаги турли химиявий газ бирикмалари кузовнинг коррозияланишига сабаб бўлади. Ғилдиракларнинг остидан отилиб чиқаётган майда қум-тошлар кузов ва қанотлар тагидаги ҳимоя қоплама-сига путур етказади. Сув салондаги резина гилам остида, турли ўзаро бириккан қисмларда тўпланиб, кузовнинг емирилишини тезлаштиради. Буларнинг ҳаммаси кузовни эскиришига рағбат кўрсатади.

Шунинг учун ҳар йили кузов ва қанотлар таг қисмини диққат билан текшириб, шаклланган жойларни қайта тиклаш зарур. Бу ишларни пойтахтимиздаги «ВАЗ» автомарказида мувоффақиятли бажариш мумкин.

Коррозияга қарши қопламани тиклаш ҳар бир автомобиль ишқибози кўлидан ҳам келади. Тўғри, бу вақт ва чидам, шунингдек кўшимча қурилма талаб қилади. Кўпинча бунда кузовни тўнкарувчи қурилма қўлланилади. Махсус чуқур ёки эстакададан фойдаланиш анча қулай.

Бунда нимага алоҳида эътибор берилиши керак! Уз-ўзидан маълум ки, тикланаётган юза яхшилаб ювилган бўлиши керак. Сўнгра зарар кўрган жой металл чўтка ва қумли жилвир қоғоз ёрдамида тозаланиб, ёғсизлантирилади. Коррозияга учраган жойни яқинда савдога чиққан зангни кетказиш химикати билан ишлаш зарур. Бундай тайёргарликдан сўнг зангга қарши мастиканн суртиш мумкин. Энг яхшиси — юқори босим остида пуркаш аппарати ёрдамида сочиш мақсадга мувофиқдир. Лекин бунинг учун кам деганда, компрессор ва махсус форсуна керак. Тажрибанинг кўрсатишича, коррозияга қарши ишлов бериш ишларини 1,5—2 йилда бир марта амалга ошириш яхши натижалар беради.

Умуман, «Жигули» автомобили коррозияга қарши қониқарли даражада ҳимоя қилинган. Чунончи, автомобиль асоси, кузовнинг ички ва эшиклар, копот, багаж қопқоғи коррозияга анча чидамли.

Машинанинг ташқи кўринишини яхши сақлаш хусусида ҳам баъзи маслаҳатларимиз бор. Аввало, тирналмасин учун машина сиртидаги чанг ва ифлосликларни қуруқ латта билан артмаслик керак. Яхшиси, ифлосликлар қотиб қолмасдан олдин шлангдан паст босимли сув билан ювган маъқул. Ёзда автомобилни соядa, очиқ ҳавода ювиш керак. Агар бунга имкон бўлмаса, ювгандан кейин дарров қуруқ латта билан артиш шарт. Акс ҳолда, сув томчилари офтоб таъсирида кузовнинг юзида доғ ҳосил қилади. Қишда эса автомобилни ювгандан кейин иссиқ хонада кузовини қуригунча артиш керак. Чунки сув томчилари музлаш туфайли буёқ қопламн ёрилиб кетади. Машина ювишда содали ва ишқорли эритмалардан, шунингдек оқар сувлардан фойдаланиш тавсия этилмайди. Зеро, бунда унинг бўёғи хираланиши мумкин.

Қуйидаги узеллар ҳар 10000 километрдан кейин текширилиб, зарурат-га қараб мойланади: эшик ва багажник қопқоғини қулф ўешикларига йилнинг иссиқ вақтида графит кукуни, совуқда эса, айниқса ювгандан сўнг ВТВ—1 маркали техник вазелин суртилади: эшикнинг ошиқ-мошиғи, копот қулфининг тортғич симлари мотор мойи билан мойланади; багажник қопқоғи торсионининг ишқаланиш юзаси, копот таянчи, эшик очилишини чеклагич ҳалқаси, шунингдек ёқилғи баки қопқоғининг ошиқмошиғи ва пружинасига техник вазелин, эшик қулфининг фиксаторига солидол суртилади.

Кузов деталларининг коррозияга учраганлигини кўрсатувчи белгилар (бўёқнинг бўртиб чиқиши, бўёқ қатлами кўчиб кетиши ва бошқалар) пайдо бўлса, шикастланган жойни ўз вақтида тозалаш, грунглаш ва бўяш зарурлигини унутмаслик керак. Кузов ҳамма ташқи таъсирларни ўзига қабул қилади. Майда жароҳатлардан (баъзида эса йириклардан) бахтга қарши қочиб қутулиши мумкин эмас. Қатъий маслаҳат: аҳамиятсиз пачоқ бўлган жойни қайта тиклашга ҳаракат қилманг. Кузов юзидаги пачоқни тўғрилаш ва жило бериш катта маҳорат талаб этади. Сизнинг аралашишингиз ишни фақат бузиб қўйиши мумкин. Бундай ишларни «ВАЗ» сервис корхоналарида мувоффақиятли бажариш мақсадга мувофиқ бўлади.

• Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

НАЗОРАТ ЎРНАТИЛДИ

Биз «Олимпия» массивида тўққиз йилдан бери истиқомат қиламиз. Массив аҳолисига асосан 76-маршрутдаги автобус хизмат кўрсатади. Кейинги вақтда ана шу автобус шофёрларининг ишларига совуққонлик билан қарашлари натижасида эрталаб, айниқса кечки пайт маршрутдаги автобуслар сони камаймоқда. Бундай тартибсизликка қачон барҳам берилади!

Х. ТУРБАТОВА,
хизматчи.

О. ИСМОИЛОВ,
«Главташпассавтотранс» бошқармасига қарашли 3-автобус парки директори.

— Газетхоннинг шикояти жуда ўринли. Ҳақиқатан ҳам сўнгги вақтда 76-маршрутдаги автобусларни йўловчиларга яхши хизмат кўрсатмаётганлиги ҳақида бизга бир қанча сигналлар тушди. Бугунги кунда ана шу маршрут ишини яхшилаш учун автобус парки партия ташкилоти секретари К. Алимов бошчилигида 76-маршрутнинг барча ҳайдовчилар составн билан суҳбат ўтказилди ва ана шу маршрутда навбатчи график асосида икки сменада иш ташкил этилди. Йўловчилар кўп бўладиган маҳалда эса қўшимча автобуслар чиқариш масаласи ҳал этилди. Бу маршрутдаги ишни назорат қилиб бориш партия ташкилоти секретарига ва маршрут бошлиғи К. Алимовга юклатилди.

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИДА БОР

Менда анча эскирган газеталар йиғилиб қолган эди. Уларни қабул пунктига топшириб, хўжалик учун керакли нарсалар олмоқчи бўлган эдим, фақат китоб олиш мумкинлигини айтишди. Ўтган йили шу ердаги қабул пунктидан қоғоз топширib, банка қопқоғи олган эдим. Ҳозир ҳам шаҳримизда ана шундай пунктлар борми! Агарда бўлса менимча, аҳоли давлатга ҳозиргидан 3—4 ҳисса кўп қоғоз топшириб, ўзига керакли бўлган нарсаларни олган бўларди.

А. БОБОЕВ,
Шифокорлар шаҳарчаси, 2-уй, 74-квартира.

М. ФЛЕЙШМАХЕР,
Тошкент шаҳар тайёрлов ишлаб чиқариш корхонаси директори.

— Ҳозир шаҳримизда 70 та пункт ишлаб турибди. Шулардан фақат 40 тасида қоғоз, эски-тускилар қабул қилиб олиниб, унинг ўрнига керакли бўлган буюмлар берилади. Мисол учун консерва қопқоғининг ўнтасини олиш учун 5 килограмм эски-туски топшириш керак ёки бир дона консерва қопқоғи учун бир ярим килограмм қоғоз топшириш керак бўлади. Ҳамма қабул пунктларида тасдиқланган айрибошлаш коэффициенти мавжуд.

Газетхон А. Бобоев ўзи истиқомат қилиб турган Шифокорлар шаҳарчасидаги 28-автобуснинг охирги бекатида жойлашган 23-пунктга кераксиз бўлган буюмларни топшириб, ўрнига чинни идишлар, ёғоч қошиқлар олиши мумкин. Бундай қабул пунктларида аёлларнинг пардоз буюмлари ва бошқа кўплаб ноёб моллар бор. Бундан ташқари бу йилдан бошлаб Улуғ Ватан уруши инвалидларининг уйларига бориб уларга хизмат кўрсатиш жорий этилди. Уларнинг ёзган аризасига мувофиқ топширган қоғоз ва эски-тускиларига қараб истаган буюмлари уйига элтиб берилади.

Оқ кўйлагим, оҳ кўйлак

Мен анчадан буён оқ кўйлак ва газламаларни ювишда ишлатиладиган синька излаб сарсонман. Шаҳардаги хўжалик магазинларидан уни қидириб юрганлар беҳуда овора бўлишмасин: ҳозир у ҳеч қайси дўконда йўқ. Оқ кўйлакни қавас қилиб харид қилган кўни-кўшнилар ҳам «оқ кўйлагим, оҳ кўйлак» деб синька излаб, тинкаси қуриб юришибди.

Наҳотки, энди шу оддий матоҳ ҳам анқонинг уруғига айланган бўлса!

В. РАСУЛОВА,
уй бекаси.

Э. САМАРХЎЖАЕВ,
«Ташхозторг» директори вазифасини бажарувчи.

— Биз 1984 йилда 360 минг пакет синька буюртма берган эдик. Тошкент шаҳар савдо Бош бошқармаси томонидан бизга 320 минг пакет ана шу зарур рўзғор буюми ажратилган. Ҳозирча, аниқроғи эса шу йилнинг етти ярим ойи давомида биз «Узхозторг» базасидан 316 минг пакет синька олдик.

Асосан тўрт хил ассортиментдаги суюқ, кир ювиш, шунингдек кийимларни бўяшда ишлатиладиган ушбу буюртмамиз шаҳардаги 28 та хўжалик магазинларига сотувга чиқарилди. Биз яна шу йил ҳисобига 4 минг пакет синька олишимиз керак. Буюртмамиз олиниши билан ўз вақтида савдо шахобчалари орқали шаҳар аҳолисига етказиб берилади.

РЕДАКЦИЯДАН: Аҳолининг қайси буюмга эҳтиёжи катта бўлса ўша энг зарур ва керакли буюм. Биринчи галда ана шу буюмлар магазинлар пештахталарида харидорга мунтазир турмоғи лозим.

Газетхон кўтарган муаммога келсак, биз унинг фикрига тўла қўшиламиз: ҳозир шаҳар магазинларида синька йўқ. Юқорида келтирилган рақамлар эса икки миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган шаҳримиз учун унчалик салмоқли эмас. Мутасадди ташкилотлар масаланинг ушбу томонига ҳам эътибор беришлари керак!

• «Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«ҚОВУН-ТАРВУЗЛАР БЕҒУБОР БЎЛСИН»

Ленин район райпищеторги директори вазифасини бажарувчи Л. Шварцнинг хабар беришича мақола корхонанинг барча раҳбар-ходимлари иштирокидаги ишлаб чиқариш йиғинида муҳокама қилинган.

Район санитария-эпидемиология станцияси лабораторияси томонидан нитрат азот миқдори текширилмаган тарвузларни харидорларга сотганлиги учун 7-магазин мудири вазифасини бажарувчи Р. Хабилов қаттиқ танқид қилинган ва огоҳлантирилган. Полиз маҳсулотлари бўйича товаровед Б. Подкаминская томонидан савдо корхонаси ишини назорат қилиш кучайтирилган.

Меҳмон ранжиб кетди

• Луқма

Мабодо уйингизга олисроқ жойдан меҳмон келиб қолса бир бор унинг илк сўзларига диққат қилинг. Тошкент ҳақида гап кетганида у албатта битта сўзни айтади: меҳмондўст шаҳар! Шунда сиз унга билдирмай ичингизда ғурурланиб қўясиз.

Оқшомхон А. Матқобилов ҳам олис Олмаотадан ташриф буюрган меҳмонига шаҳарни томоша қилдириб ўзича ҳурсанд эди. Чунки унинг меҳмони шаҳар ҳақида жуда илиқ гаплар айтишга улгурган эди-да. Агар қуйидаги кўнгилсиз воқеа рўй бермаганида икки қадрдоннинг бу учрашуви жуда мароқли ўтган бўларди ҳам. Аммо...

— Шу йил 17 июль куни кеч соат 19 да меҳмонимни аэропортга кузатиб қўйишга чиқдим, — деб ёзади у. Биз ўтирган таксида яна бир киши борлиги учун мен ҳайдовчидан у одамни қайси томонга боришини аниқлаб олмоқчи бўлсам, ҳайдовчи шу яқинда тушади деди. Аммо метронинг «Максим Горький» бекатига келганимизда ҳайдовчи машинасини аэропортга бутунлай тескари томонга бурди. Мен унга борадиган жойимизни эслатсам жаҳли чиқиб, машинани тўхтатиб, бизни туширib юборди.

Биз ноилож тушиб қолган бекатда анча такси кутиб қолдик. Бир пайт ўша такси яна олдимизга қайтиб келиб, намойишкорона бизларни олмасдан бошқа мижоз қидира бошлади. Бир амалаб бир кишини машинага ўтказиб, ёнимиздан ғизиллаб ўтиб кетди. Мен ҳозиргина ҳамшаҳарларимни мақтаб турган меҳмоннинг олдида жуда изза бўлдим.

Одам нимага босартусарини билмай қолади! Нимасидир кўпайиб қолгани учунми ёки камларнидир орқа қилибми! Бу саволимизга ҳаммамизни меҳмон олдида изза қилган 26-84 ТНА номерли такси ҳайдовчиси ва 6-такси парки (директори А. Қосимов) раҳбарларидан жавоб кутамиз!

Мақсад ЯХШИЕВ.

Хат босилмади, аммо чора кўрилди

ТЕЛЕФОН УЛАБ ҚЎЙИЛДИ

Редакцияга хат йўллаган газетхон В. Дорецкая 74-09-09 номерли телефон аппарати узоқ вақт 74-АТСга уланмай келаётгани ҳақида шикоят қилган эди. Хат ГТСга юборилди ва жавоб олинди.

Шаҳар телефон тармоқлари бош бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи В. Емельяненко имзолаган жавоб хатида шикоят тасдиқланганлиги айтилган. Текшириш пайтида маълум бўлишича, телефон аппаратининг уланмаганлиги қурувчилар ўз вақтида ГТС балансидаги алоқа биносини фойдаланишга топширмаганлиги сабабли рўй берган. Айни кунда мижознинг телефон аппарати уланган ва у ишлаб турибди.

«Хатларга мутасадди раҳбарлар жавоби»ни «Тошкент оқшоми» редакцияси ходимлари С. Саидов, Р. Файзуллаев, Т. Тошев, М. Юсуповлар тайёрлашди.

2 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

24 АВГУСТ, 1984 й.

● ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

МУҲРЛАР ҲИКОЯСИ

Гўзал Тошкентимиздаги ўтмишимиз осари-атиқаларининг хазинаси бўлмиш Ўзбекистон Халқлари тарихи музейида жуда кўп экспонатлар, ҳужжатлар, тарихий материаллар сақланмоқда. Уларни кўздан кечирган киши, республикамиз тарихи билан танишади, ўтмиш ҳақида тўла тасаввурга эга бўлади.

Музейда сақланаётган, кўпчиликнинг диққатига сазовор бўлган Туркистон Компартияси Марказий Комитетининг, Бухоро Компартияси Марказий Комитетининг ва Ўзбекистон Компартияси ташкилот бюросининг муҳрлари ва унинг тарихи ҳақида зикр этиш мароқлидир. Бу экспонатлар қанчадан-қанча революцион курашларнинг, тарихий воқеаларнинг гувоҳи бўлган.

Туркистонда Совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин, 1918 йилнинг июнь ойида Туркистон Коммунистик партияси ташкил топди. Партия фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ революцион кучларни бирлаштирди, ички ва ташқи душманларнинг қаршилигини бостирди, ленинча миллий сиёсатни амалга оширишга ҳаракат қилди.

Туркистон Компартияси Қизил Армияни тузишда жонбозлик кўрсатди, босмачиларга қарши курашга раҳбарлик қилди, халқ хўжалигини тиклаш, саводсизликни тугатиш, халқ турмушини яхшилашга катта аҳамият берди.

1920 йилга келиб Бухоро ва Хевада мавжуд феодал ҳукмронлиги ағдариб ташланди. Бухоро ва Хоразмда Совет Халқ Республикалари тузилди.

Бухоро Коммунистик партияси 1918 йилда ташкил этилган бўлиб, у Ленин партияси ғояларини оммага етказиб турарди. Компартия ленинча миллий сиёсатни, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи ҳақидаги принципни амалга оширишга ҳаракат қилди.

1924 йилга келиб Ўрта Осиё республикаларида халқ хўжалиги қайта тикланди. Маданий-оқартув ишлари йўлга қўйилди. Босмачиларнинг қутириб қилган ҳужумлари барбод бўлди.

Кун тартибида миллий чегараланиш ўтказилиб, миллий республикалар ташкил этиш масаласи турарди. Пролетариат доҳийси В. И. Ленин 1920 йилдаёқ Туркистонда миллий республикалар тузиш лозимлиги ва бу халқларнинг миллий хусусиятларини ўрганиб, этнографик карталар тузиш кераклигини уқтирган эди. Меҳнаткашлар митинг ва йиғилишларда бу масалани ёқлаб миллий республикалар тузишга хайриҳоҳ бўлиб чиқдилар.

1924 йилнинг 15 сентябрида Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг сессияси бўлиб, миллий давлат чегараланиши ўтказиш ва миллий республикалар тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Ўша йилнинг июнь ойида РКП(б) Марказий Комитети Туркистон, Бухоро ва Хоразм партия ҳамда совет органларининг Ўрта Осиё территориясида Ўзбекистон ССР, Туркманистон ССР, автоном республикалар ва областлар тузиш ҳақидаги қарорини маъқуллади.

Ана шундан кейин Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм Совет Социалистик Республикалари Марказий Ижроия Комитетлари ўз фаолиятларини тўхтатдилар. Ҳокимият янгидан барпо этилган республика ва автоном областларнинг муваққат революцион комитетларига берилди. РКП(б) Марказий Комитетининг қарорига мувофиқ Ўрта Осиёда миллий социалистик республикалар партия ташкилотларига раҳбарлик қилиш учун миллий Компартиялар ва область партия комитетлари ташкилий бюролари тузилди. Ўзбекистон Коммунистик партияси Ташкилий бюроси 1924 йил ноябрь ойида тузилиб, бюро составига 27 киши кирди. Унинг раиси қилиб В. И. Иванов тайинланди. Ташкилий бюронинг ижроия бюроси ва секретариати ҳам тузилди. Асосий масалалар унинг Пленумларида ҳал қилинар эди. Ташкилий бюро ўзининг қисқа муддатли фаолияти давомида 10 марта пленум ўтказди. У партия кадрларини етказиб бериш, хотин-қизларни маҳаллий Советлар атрофига тортиш ва Ўзбекистон Компартиясини тузиш учун тайёргарлик ишларини кўрди. Унинг раҳбарлигида 1924 йил 5 декабридан бошлаб Ташкилий бюро, Муваққат революцион Комитет ва касаба союз Марказий Советининг органи — «Қизил Ўзбекистон» газетаси ва 1925 йил 1 январдан биринчи ўзбек хотин-қизлар газетаси — «Янги йўл» ўзбек тилида чиқа бошлади. Бюро 1925 йил февраль ойида Ўзбекистон Коммунистик партияси ташкил топгандан кейин ўз фаолиятини тўхтатди.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Советларининг биринчи Қурултойи 1925 йил 13—17 февралда Бухорода бўлиб ўтди. Қурултойда Бутуниттифоқ оқсоқоли М. И. Калинин қатнашди ва оташин нутқ сўзлади. Бўлиб ўтган қурултой катта тарихий аҳамиятга эга бўлди ва тегишли қарорлар қабул қилди. Қурултой охирида ташкилий масала кўриб чиқилди ва бир овоздан маъқулланди. Қурултой Ўзбекистон ССР Давлат ҳокимиятининг раҳбар органи — раис Йўлдош Охунбобоев бошчилигида Советлар Марказий Ижроия комитетини сайлади. Қурултой республика ҳукуматини — Файзулла Хўжаев раислигида Ўзбекистон Халқ Комиссарлар Советини ҳам тасдиқлади. Қурултойдан кейин Ўзбекистон Коммунистик партияси ташкилоти тузилди. Ўзбек халқининг содиқ фарзанди Акмал Икромов Ўзбекистон Компартиясининг биринчи секретари бўлди.

Дарҳақиқат, юқорида зикр этилган тарихий муҳрлар Ўзбекистон халқлари тарихида бўлиб ўтган шонли воқеаларнинг жонли шоҳиди сифатида биз учун қадрли ҳисобланади. Айниқса, бу йил Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи нишонланиши муносабати билан Ўзбекистон меҳнаткашлари барча меҳнат жабҳаларида мардонавор меҳнат қилмоқдалар.

Ш. ШОРАҲИМОВ,
Тошкент Давлат маданият институтининг катта ўқитувчиси, тарих фанлари кандидати.

«СОЦИАЛИСТИЧЕСКАЯ ИНДУСТРИЯ» — 1985 ЙИЛДА

Бу йил «Социалистическая индустрия» газетаси ўзининг ўн олтинчи йиллигига қадам қўйди. Унинг биринчи сони 1969 йил 1 июлда чиққан эди. Ана шу вақт ичида газета ўз қиёфасига эга бўлди. Газетхонлар, муаллифларнинг эътиборига сазовор бўлди. Қобилиятли ижодкор журналистлар коллективи таркиб топди. Газета тиражи икки ҳисса ошди ва тобора ошиб бормоқда. Газетанинг газетхонлар билан алоқаси мустаҳкамланиб бораётганини редакцияга келаётган хатлар яққол кўрсатиб турибди. Бу хатлар сони саккиз марта кўпайди.

Аввалгидек газета 1985 йилда партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш учун совет халқининг кураши тўғрисида ҳар сонда ҳикоя қилиб боради, меҳнат коллективларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасидаги муваффақиятларини, ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш, планлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш, моддий-техника таъминоти масалаларини кенг ёритади. Уларни ҳал этиш эса ҳар бир ходимнинг топширилган иш учун масъулиятини оширишга, давлат, меҳнат, ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга, меҳнаткашларнинг ижодий активлигини оширишга боғлиқ. Бу ва бошқа ҳаётий муҳим проблемалар муҳокамаси газетанинг асосий йўналишини ташкил этади.

Газета саҳифаларида нималарни ўқиш мумкин!

Биринчи саҳифада энг муҳим сиёсий воқеалар, социалистик мусобақанинг бориши тўғрисида ҳикоя қилинади. Бу саҳифада журналист ва ўқувчилар энг актуал масалалар бўйича бош мақолалар билан қатнашадилар. Иқтисодий обзорлар, ишлаб чиқариш илғорлари ҳақида очерклар берилади. Ишлаб чиқариш илғорларининг мақолалари, хатлар, муҳим танқидий сигналлар берилади.

Иккинчи саҳифада эса илғор тажриба тўғрисидаги материаллар бериб борилади. Бу саҳифада ишлаб чиқариш ва фанни ривожлантиришнинг, илмий-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг, хўжалик юритиш механизмини такомиллаштиришнинг муҳим масалалари, иқтисодий экспериментнинг бориши, бошқаришнинг услуб ва методлари муҳокама этилади. Коммунистлар, партия ходимлари журналистлар меҳнаткашларни тарбиялаш, топширилган иш учун кадрларнинг масъулиятини ошириш, меҳнат коллективларини мавжуд имкониятларни қидириб топиш ва ишга солиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва маҳсулот сифатини яхшилашга меҳнат коллективларини сафарбар этиш юзасидан партия ташкилотларининг кўп қиррали иши тўғрисида ҳикоя қиладилар.

Учинчи саҳифа асосан халқаро ҳаётга доир материаллар билан тўлиб чиқади.

Ушбу саҳифада шунингдек, очерклар, публицистик мақолалар, одоб-ахлоқ мавзуидаги материаллар, фельетонлар бериб борилади.

Тўртинчи саҳифа газетхонларнинг дам олиш соатларига бағишланган. Редакция турли эҳтиёж ва қизиқишларни қондиришга интилади. Бу саҳифада газетхонларнинг хатларига жавоблар, консультация, машҳур кишилар билан суҳбатлар, хотин-қизлар саҳифаси, ёшлар саҳифаси, олимларнинг муваффақиятлари ва изланишлари ҳақида очерк, ахборотлар ва репортажлар, ажойиб тақдирли кишилар тўғрисида материаллар, янги асарлардан парчалар, «Тарих саҳифалари», «Мотор» клуби, «Сизнинг боғингиз», «Саломатлик» каби доимий рубрикалар остида қизиқарли материаллар бериб борилади. Спорт ҳаёти кенг ёритилади.

Газета саҳифаларининг бу қисқача обзорига шуни қўшимча қилмоқчимизки, «Социалистическая индустрия» ҳар ойда бир марта социалистик мусобақага бағишланган махсус варақа билан олти саҳифа бўлиб чиқади. Газета турли оммавий тадбирлар ўтказмоқда. Улар орасида айниқса ишлаб чиқариш, маиший хизмат кўрсатишнинг долзарб проблемалари муҳокамасига бағишланган давра суҳбати материаллари газетхонлар эътиборига сазовор бўлмоқда.

Газета саҳифаларида газетхонлардан келган хатлар ва материалларга катта ўрин берилмоқда. Уларда кўтарилган мавзулар газета саҳифаларида ёритилмоқда.

Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб «Социалистическая индустрия» совет халқининг Она-Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун қаҳрамонона жасорати тўғрисида материаллар ёритишни давом эттиради.

Биз сиз, азиз газетхонларга мурожаат қилар эканмиз, редакциямиз 1985 йилдаги режаларини тўла-тўкис амалга ошириш учун ўзингизнинг қимматли маслаҳатларингиз, таклиф ва истакларингиз ҳамда мулоҳазаларингизни ёзиб юборасиз, деб умид қилади.

Бой тарихга эга бўлган шаҳарлар орасида Ленинград алоҳида ўрин тутади. У инқилоб бешиги, жаҳон ва Ватан меъморчилигининг марвариди, йирик маданий марказлардан биридир. Мойка соҳилидаги Пушкиннинг уйи, Эрмитаж, Смольний, Петропавловск қалъаси, Исаакиевск ва Қозон соборлари, ажойиб кўприклар ҳамиша томошабинлар билан гавжум.

СУРАТЛАРДА: Ғалаба майдонида шаҳарнинг қаҳрамон ҳимоячиларига ўрнатилган ёдгорлик; туристлар 1812—1814 йиллардаги Ватан уруши шарафига тикланган Александр колоннаси ёнида; Ленинград Моделлар уйи манекенчи қизлари янги модадаги кийимларни намойиш қилмоқдалар.

И. Зотин ва Ю. Белинский фотолари. ТАСС фотохроникаси.

ИНСОН, ЙЎЛ, АВТОМОБИЛЬ

● ЯНГИЛИК! ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

Йўл ҳаракати қоидаларига ўзгаришлар

Ҳурматли редакция! Шу йилнинг 1 сентябридан йўл ҳаракати қоидаларига ўзгаришлар киритилади, деб эшитдик. Шу ростми! Агар шундай бўлса, бу ўзгаришлар нималардан иборат!

О. Шокиров, Б. Обидов, М. Мирзахалилова ва бошқалар.

Шу йилнинг 1 сентябридан бошлаб йўл ҳаракати қоидаларига қўшимча ва ўзгаришлар киритилади. Бу ўзгаришлар нималардан иборат, нима сабабдан бундай қўшимчалар киритиляпти деган саволларга жавоб қайтаришни Тошкент шаҳар Советн ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль инспекцияси бошқармаси агитация ва пропаганда бўлинмасининг бошлиғи, милиция капитани Ботир Носирович Носировдан илтимос қилдик.

— СССР Ички ишлар министрлигининг буйруғига биноан 1 сентябрдан йўл ҳаракати қоидаларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар кучга киради.

Партия ва ҳукуматимиз совет кишиларининг бахтли, фаровон ҳаёт кечиришлари йўлида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Қабул қилинган ушбу қарор ҳам совет кишиларини йўллардаги содир бўлажак кўнгилсиз ҳодисалардан асраш, йўл ҳаракати бахтсиз ҳодисаларини йўқотиш мақсадида кўзланган тадбирдир.

Биринчи ўзгариш, 2-пунктнинг 6-бандига киритилган қўшимчадан бошланади. Унда кўрсатилишича «Йўл ҳаракатининг бузилиши натижасида авария келиб чиқсада, лекин ҳеч кимнинг соғлигига путур етмаса ҳамда кичик миқдордаги моддий зарар кўрилса, у тақдирда ҳар иккала томон келишилган ҳолда иш тутиб, ГАИ ходимларини чақирмасдан, балки ўзлари тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш учун Давлат автомобиль инспекциясига ёки милиция бўлинмаларининг бирига учрашишлари керак».

Бир қатор ўзгаришлар йўл ҳаракати қоидаларининг 27-пунктига киритилган бўлиб, у транспорт воситаларининг техник ҳолати ва асбоб-ускунаси деб аталади.

Маълумки, сўнгги пайтларда айрим ҳайдовчилар транспорт воситаларининг у ёки бу деталларини бошқа маркадаги транспортларга ўрнатмоқдалар, ундан ташқари ўзларича турли нарсалар билан кераксиз жиҳозламоқдалар. Бу нарса эса йўл ҳаракати қоидаларига хилоф ишдир. Шунинг учун ҳам қоиданинг 27-пунктига барча автомобиль ва мотоциклларнинг жиҳозланиши ва ҳолати давлат стандартига ва ишлаб чиқарган заводнинг қўлланмаларига қатъиян мувофиқ бўлишлиги аниқ қилиб кўрсатилгандир.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, давлат автомобиль инспекцияси, норматив ҳужжатларга хилоф равишда транспорт воситаларининг конструкцияси, ташқи кўриниши, бўёғи, ёритгич чироқлари ўрнатилишидаги ўзгартишларга қатъий чоралар кўриб боради. Ушбу талаблар 27-пунктнинг айрим бандларида ривожлантирилган. Масалан 27. 3. 1. пунктида кўрсатилганидек, рул бошқармаси ва механизмининг барча деталларини бошқа моделдаги автомашиналарн и н г шунга ўхшаш деталлари билан ўзгартириш қатъиян ман этилади.

27. 3.10. пунктида рул бошқармасида бегона деталлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

27. 3. 26. пунктида кўрсатилишича транспорт воситасига мўлжаллангандан ташқари резина ғилдиракларининг турли хилдагиларини ўрнатиш ман қилинади.

Йўл ҳаракати иштирокчиларига сир эмас, тормоз бу ҳаракат хавфсизлигини таъминлашдаги муҳим техник воситалардан биридир. Шу сабабли ҳам тормоз системасини доим текшириб, уни соз қилиб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Лекин афсуски, кўпчилик ҳайдовчилар бунга нисбатан бефарқ бўладилар. Бунинг натижасида эса йўл ҳаракатининг кўнгилсиз ҳодисалари келиб чиқмоқда. Янги ўзгаришларда тормоз системасига ҳам эътибор берилган. Аввалги кўрсатмага биноан автомобиль соатига 30 километр тезликда ҳаракат қилаётганида, тормоз системаси синаб кўриларди. Эндиликда транспорт воситаларининг ҳаракат тезлиги ортганлиги муносабати билан бу кўрсаткич соатига 40 километр тезликка етказилди.

Алоҳида айтиб ўтиш керакки, сўнгги вақтларда кўпчилик транспорт воситаларининг эгалари ўзбошимчалик қилиб ўз автомашиналарини турли нарсалар билан безашга ҳирс қўйганлар. Шу билан бирга улар бу нарса қоидага хилоф эканлигини унутиб қўйгандирлар. Қоиданинг 27. 3. 35. пунктида ҳайдовчига кўриш доирасини ёмонлаштирадиган, ойналарни хиралаштирадиган турли безаклар ўрнатишнинг таъқиқланиши белгиланган.

Йўл ҳаракати қоидаларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, Тошкент Давлат автомобиль инспекциясининг буюртмасига кўра, илова сифатида 200 минг нусхада китобча ҳолида чоп этилди.

Суҳбатни жамоатчи мухбиримиз

А. ЭРНАЗАРОВ ёзиб олди.

● **Қоидабузарлардан ГАИ хизматчилари томонидан олиб қўйилган мопед ва мотоцикллар.** ●

ЙЎЛ ИНТИЗОМНИ ЕҚТИРАДИ

●

Қимматга тушди

Бугун шаҳар кўчаларида оҳиста одимлаб бораётган кишини учратиш қийин. Ҳамма қаергадир шошади. Чунки замонавий одамнинг вақти ниҳоятда тиғиз. Кўп нарсага улгуриш даркор. Шунинг учун йўловчи кўплигидан эшиги ёпилмай қолган транспортга осилади, арзимас метрларни босиб ўтишга эринганидан пиёдалар ўтиш йўлкачаси қолиб, сергатнов йўлнинг истаган қисмидан кесиб ўтади. Лекин озгина вақтни тежаш эвазига бебаҳо ҳаётни хавф остида қолдиришни оқлаб бўлармикин?

Лекин ҳамма ҳам бу оқим орасидан бешикаст чиқмаётир. Қашқадарёлик Қўзи Жўраев исмига монанд ювошлардан эмас экан. У Беруний кўчасидаги пиёдалар йўлкасидан фойдаланиш ўрнига 48-уй олдидаги тўсиқдан сакраб, йўлни кесиб ўта бошлади. Шошилганидан атрофга қараб қўймади. Йўл ҳаракати қоидасини бузиш унга қимматга тушди. Қ. Жўраев 2-депога қарашли 2509-трамвайнинг зарбига учради. Бунда ҳайдовчи А. Турсуновнинг айби йўқ. У шошқалоқ пиёдани кўриб, тормозни дарҳол босди. Бироқ темир издаги транспортни кескин тўхтатиб бўлмади.

Йўл-транспорт ҳодисасининг айбдори Қ. Жўраевнинг ўзи жароҳатланди. У касалхонага ётқизилди. Арзимас вақтни тежайман деб қоидани қўпол равишда бузиш қимматга тушди.

Ғ. БОЛТАБОЕВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

МЕҲНАТ ТУҲФАСИ

БУХАРЕСТ. Руминиянинг Клуж уезди қурувчилари Руминия фашизмдан озод қилинган куннинг 40 йиллигини нишонлаш юзасидан Деж шаҳрида республиканинг тўқимачилик саноати учун сунъий тола ишлаб чиқарувчи замонавий корхонани ишга туширдилар. Бундан ташқари, корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнида йилига 27 минг тоннага яқин аммоний сульфат ва тахминан 2,5 минг тонна рух сульфат ишлаб чиқарилади.

Саноатнинг шу тармоқлари тез ривожланиши туфайли кейинги йигирма йил ичида синтетик тола ва калава ишлаб чиқариш Руминияда қарийб 52 баравар кўпайди.

ЯНГИ БОСҚИЧДА

ХАНОЙ. Вьтнам пойтахтининг саноат корхоналарида социалистик мусобақанинг янги босқичи бошланди. Бу босқич шонли сана — Ханой француз мустамлакачиларидан озод қилинган куннинг 30 йиллигини муносиб кутиб олиш шиори остида ўтади. Бу юбилей шу йилнинг октябрида нишонланади.

Кенг қулоч ёзган мусобақа меҳнат унумдорлигини оширишга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини кўпайтиришга ва сифатини яхшилашга ёрдам бермоқда. Меҳнаткашлар рационализаторлар ва ишлаб чиқариш н о в а т о р л а р и ҳ а р а к а т и д а фаол қатнашаётганликлари уларнинг ғайрат-шижоати ва ижодий активлигидан далолат бериб турибди. Чунонки, пойтахтдаги районлардан бири — Хоанкиемнинг бир ўзидаги саноат корхоналарининг ходимлари шу йилнинг дастлабки олти ойида 2000 тадан кўпроқ рационализаторлик таклифи бердилар. Бу таклифларни жорий этиш туфайли олинган иқтисодий наф 30 миллион донгдан ошиб кетди.

Совет Иттифоқи учун кемалар

ВИАНА-ДУ-К А-ШТЕЛУ (ПОРТУГАЛИЯ). Бу ерда Совет Иттифоқининг буюртмасига биноан кемасозлик корхонасида қурилган «Дарё—денгиз» типидаги навбатдаги кемани СССРга расман топшириш тантанали маросими бўлиб ўтди. Португалия кемасозлари 1976 йилдан бошлаб СССР учун 11 та кема қуриб бердилар. Яна иккита шундай типдаги кема ясай бошланди. Уларни келаси йилнинг ўрталарида битказиб топшириш мўлжалланади. Бундан ташқари Виана-Ду-Каштелу корхонаси яқинда Совет Иттифоқининг учта балиқчи кемасини ремонт қилиб беришга буюртма олди.

Корхонанинг техник директори Э. Силва ТАСС мухбири билан қилган суҳбатида айтдики, кемасозлик соҳасида Португалия—Совет ҳамкорлигининг ривожланиши ижтимоий тузуми ҳар хил икки мамлакат ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларга мисол бўлиб хизмат қила олади. Ғарбдаги қаттиқ иқтисодий танглик шароитларида, кўпгина капиталистик мамлакатларнинг, шу жумладан Португалиянинг кемасозлик саноати тушкунликка учраб турган бир пайтда Совет Иттифоқининг буюртмалари корхонанинг ҳамма ишлаб чиқариш қувватларини иш билан таъминлашда ёрдам бермоқда ва неча юзлаб меҳнаткашларни иш билан таъминлади деб давом қилди у. Бундан ташқари ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлик совет халқи билан Португалия халқи ўртасида ишонч, ҳамжиҳатлик, дўстликни мустаҳкамлашга ёрдам бермоқдаки, бунинг аҳамияти жуда каттадир, деб таъкидлади пировардида Э. Силва.

●

АҚШ. «Мени ядро қуролларидан озод қилинг. Уларни синашни тўхтатинг!» —Нью-Йоркка кираверишда ўрнатилган Озодлик ҳайкали тепасига ана шундай шиор ёзиб қўйилган.

СУРАТДА: [ўнгда] Озодлик ҳайкали тепасидаги шиор.

ЮПИ—ТАСС телефотоси.

* * *

СУРАТДА: [пастда] ўтган ойда АҚШда ишсизлар сони салкам ярим миллион кишига кўпайди. Уларга иш ҳам йўқ, уй ҳам йўқ.

Е. Свешников фотоси. **ТАСС.**

●



Салмоқли ҳисса

АДДИС-АБЕБА. Пойтахтдаги кўн заводи коллективининг йиғилишида Эфиопияда миллий-демократик революциянинг ўн йиллиги шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақа якунлари чиқарилди. Тармоқдаги ана шу етакчи корхона ишчи ва хизматчиларидан 17 киши зарбдорлар дипломи ва қимматли совғалар билан мукофотланди.

Шу кунларда бутун Эфиопиядаги корхоналарда ва кооперативларда шундай йиғилишлар ўтказилмоқда. Ишчилар ташаббуси билан олти йил муқаддам бошланган зарбдор меҳнат ҳаракатини революцион ҳукумат қўллаб-қувватлаганлиги туфайли ҳозирги вақтда бу ҳаракат миллий индустриянинг юзлаб корхоналарига, давлат фермаларига ва қишлоқ хўжалик кооперативларига ёйилди. Аддис-Абебанинг ўзида бу йилги мусобақа натижаларига кўра 750 киши мукофотланди. Маҳаллий матбуот мусобақани ва мураббийлар ҳаракатини ташкил этиш соҳасида СССР ва бошқа социалистик мамлакатларнинг тажрибаси тўғрисида ҳикоя қилувчи материалларни мунтазам равишда босиб турибди.

Меҳнатга янгича, онгли муносабатда бўлиш, — деди Умумэфиопия касаба союзи пойтахт ташкилоти бўлимининг раиси Хайле И Гебре Селассйе шу ташкилотнинг бу ерда бўлиб ўтган навбатдаги конференциясида, Эфиопия революциясининг муҳим ғалабаларидан биридир. Ҳар бир меҳнатчи, деб таъкидлади у, миллий экономикани ривожлантириш ва Эфиопияда социалистик жамият асосларини қуришга салмоқли ҳисса қўшиши лозим.

МАЪНОДОР РАҚАМЛАР

ЛОНДОН. Буюк Британиянинг ҳозирги консерваторлар ҳукумати даврида бойларнинг бойлиги янада ошиб, камбағаллар эса баттар камбағаллашиб бормоқда. Бу ердаги Марказий Статистика Бошқармаси эълон қилган расмий маълумотларга қараганда ҳам 1981—1982 йилларда мамлакатда ишлаб топилган жами пул маблағининг 45 проценти мамлакат аҳолисининг бешдан бир қисми улушига тўғри келди. Шу давр ичида жуда кўпчилик инглизларнинг даромадлари камайиб борди.

Бу маълумотлар меҳнат масалалари билан шуғулланувчи илмий тадқиқот бюросининг доклади билан айни бир вақтда эълон қилинганлиги диққатни ўзига тортади. Бу бюронинг хабар қилишича, ўтган йилнинг бир ўзида йирик кампаниялар эгаларининг консерваторлар партиясига қилган молиявий хайр-эҳсони жами миқдори 80 процент кўпайиб, тахминан 5 миллион фунт стерлингга етган. Шу даврда консерваторлар партиясининг фондларига маблағ топширувчилар рўйхатига яна 50 тадан кўпроқ фирма кирди.

БИЛДИРИШ

Халқаро мавзуда лекция ўқувчи лекторлар доимий ишловчи семинари тингловчилари диққатига.

27 август соат 8.30 да Билимлар уйида «Ҳозирги босқичда Совет—Хитой муносабатлари» мавзуида лекция бўлади. Лектор — «Билим» жамиятининг лектори А. А. Фролов.

Редактор
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

СССР 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ

176-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

УҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

электрокар ҳайдовчиси малакаси бўлган автослесарь (билим юрти битирилганидан сўнг ҳайдаш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома берилади). Ўқиш муддати 3 йил. Бу ихтисосликка ўқиётганлар ётоқхона билан таъминланмайди. Электрик, электр-газ пайвандчи, саноат ускуналарини ремонт қилувчи слесарь-механик, ОТК контролёри, дурадгорлик мутахассисликлари учун ўқиш муддати — 3 йил. Универсал фрезерчи, механика-йиғув ишлари слесари, электр кўприк кранларининг машинисти мутахассисликлари учун ўқиш муддати 1 йил ва 3 йил. Силлиқловчи, механика-йиғув ишлари бўйича слесарлик малакаси бўлган синовчи-трактор ҳайдовчи (уларга ўқиш тугагандан сўнг ҳайдаш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берилади). Электр пайвандчи мутахассислигига ўқиш муддати — 1 йил.

Билим юртини тугатганлар тўлиқ ўрта маълумот тўғрисида диплом оладилар ва ҳунар эгаллайдилар, шунингдек, олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Барча қабул қилинганлар уч маҳал овқат, кийим-бош, коржома билан таъминланадилар, эҳтиёжи бўлганларга секция типидаги ётоқхонадан жой берилади. Ўқиш жараёкида ишлаб чиқариш практикаси вақтида ишлаб топилган пулнинг бир қисми тўланади.

Билим юртининг жиҳозланган ўқув кабинетлари, устахоналари, стадиони, спорт зали, сув ҳавзаси ва ётоқхонаси бор. Эстрада, духовой ва миллий чолғу асбоблари ансамблари мавжуд.

Билим юрти ҳузурида ДОСААФ спорт-техника мактабининг (картинг ва мотоспорт) филиали ишлаб турибди. Ёзги каникул вақтида дам олиш учун Чорвоқ сув омбори районида соғломлаштириш-спорт лагери мавжуд.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим: директор номига ариза, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт (асли), маълумоти тўғрисида гувоҳнома; таржимаи ҳоли, турар жойидан, ота-оналаридан бирининг иш жойидан справкалар, медицина справкаси (286-форма), 6 та фотосурат (3х4 см. ҳажмида), характеристика.

Аризалар ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Адрес: 700077, Тошкент шаҳри, «1-Ташавтомаш» массиви, (1, 1«з», 16, 24-автобусларнинг «Трактор заводи» бекати; 6, 13, 22-трамвайларнинг «ТТЗ—4 массиви» бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

95-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МЕТАЛЛ БЎЙИЧА ТОКАРЬ, МЕХАНИКА-ЙИҒУВ ИШЛАРИ СЛЕСАРИ, САНОАТ УСКУНАЛАРИНИ ТУЗАТИШ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, ЭЛЕКТР-ПАЙВАНДЧИ, ОТК КОНТРОЛЕРИ, АВТОСЛЕСАРЬ.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ 15 ДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

8-синф ҳажмида маълумот билан кирганлар учун ўқиш муддати 3 йил, ўрта маълумотлилар учун эса 1 йил.

Ўқиш даври иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини тугатганлар юқори малакали мутахассис дипломини оладилар, ҳамда олий ўқув юртлари ва техникумларга киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

8-синф ҳажмида маълумот билан техника билим юртига ўқишга кирганлар тўлиқ давлат таъминотида бўладилар, ўрта маълумот билан кирганлар эса техника билим юрти программаси бўйича маълумот оладилар ва уларга ҳар ойда 30 сўмдан стипендия тўланади.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Билим юртида шунингдек, юқорида санаб ўтилган ихтисосликлар бўйича 6 ойлик курслар ташкил этилган. Бу курсларда машғулотлар группалар комплектланганидан кейин бошланади. Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директори номига ёзилган ариза, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, ёки паспорт, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), таржимаи ҳоли, турар жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат, мактабдан ёки сўнгги иш жойидан характеристика.

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун адрес: 700077, Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Владимирский переулоги, 15-уй (17, 18-троллейбуслар, 1, 4, 17, 63, 102-автобуслар, 6, 13, 22-трамвайларнинг «Партия мактаби» бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

А. А. ҲЎЖАЕВ НОМИДАГИ 63-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҚУРУВЧИ-ДУРАДГОРЛАР, БУЁҚЧИЛАР (қурилиш бўйича), ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИЛАР, СУВОҚЧИ-ГАНЧ ЎИМАКОР УСТАЛАРИ, ЭЛЕКТРМОНТАЖЧИ, СУВОҚЧИ-БУЁҚЧИ, ДУРАДГОР.

Ўқиш муддати 6 ой ва 3 йил.

ЎҚИШ МУДДАТИ 6 ОЙ БЎЛГАН ГРУППАЛАРГА 10 СИНФНИ ТАМОМЛАГАН ВА СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДАН ҚАЙТГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

3 йиллик группаларга 8 синфни тамомлаган ёшлар қабул қилинади. Улар билим юртида ўрта маълумот ва эгаллаган касблари тўғрисида диплом оладилар.

Ўқувчилар кунига уч маҳал бепул овқат билан ҳамда кийим-бош билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

6 ой ўқийдиган группаларга қабул қилинган ўқувчиларга эса ҳар ойда 72 сўм миқдорида стипендия тўланади.

ЎҚИШ МУДДАТИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИ.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртини тугатганлар техникум ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар. Аъло баҳолар билан тугатганлар ўрта ва олий ўқув юртларига ўқишни давом эттириш учун юборилади.

Билим юрти спорт базасида 13 та спорт секцияси, шунингдек техника ижодиёти, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари доимий ишлаб туради.

Бошқа областлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, таржимаи ҳоли, характеристика, маълумоти ҳақида ҳужжат, турар жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), 6 дона фотосурат (3х4 см.).

Билим юрти адреси: 700131, Тошкент шаҳри, Акмал Икромов райони, 26-квартал, М. Шайхзода кўчаси (4, 9, 17-трамвайларнинг «30-поликлиника» бекати, 3, 18, 29, 54-автобусларнинг «12-квартал» бекати). Телефонлар: 76-27-56, 76-36-58.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

196-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОН ТЕХНИКА ЗАВОДИГА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: **ярим ўтказгичли асбобларни йиғувчилар, электрон техника асбоблари ва деталларини синовчилар, электрон техника асбоблари ва деталларининг контролёрлари, радиоаппаратуралар ва асбобларнинг монтажчилари ва регулировкачилари, технологик ускуналарни созловчилар, синов ускуналарининг созловчи-монтажчилари, токарлар, фрезерчилар, электр пайвандчилар, слесарь-асбобсозлар.**

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ВА УНИНГ АТРОФИДА ЯШОВЧИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати 8 синф маълумоти бўлганлар учун 3 йил, 10 синф ҳажмида маълумоти бўлганлар учун 6 ой, радиоаппаратуралар ва асбобларнинг монтажчилари ихтисослиги бўйича қабул қилинган 10 синф ҳажмида маълумоти бўлган ўқувчилар ойига 30 сўм стипендия билан таъминланадилар, технологик ускуналарни созловчилар, токарь, фрезерчилар, слесарь-асбобсозлар 72 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланадилар. 8 синф ҳажмида маълумотлилар қисман давлат таъминотида бўладилар ва ўрта маълумот оладилар.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

Ўқиш вақти иш стажига қўшиб ҳисобланади.

ЎҚИШ ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 5-алоқа бўлими, Весна кўчаси, 17-уй (1, 5, 26-трамвайлар, 106-автобуснинг «Фоменко» бекати). Телефон 91-14-51.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

182-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ЎҚУВ ЙИЛИГА

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Билим юрти шаҳар қурилишларида ишлаш учун қуйидаги касблар бўйича юқори малакали ишчилар тайёрлайди: ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ, СУВОҚЧИ-БУЁҚЧИ, БУЁҚЧИ, ДУРАДГОР, АВТОСЛЕСАРЬ.

Ўқиш муддати — 1—2—3 йил.

Узоқдан келганларга ётоқхона берилади.

БИЛИМ ЮРТИГА 15 ВА УНДАН ЮҚОРИ ЁШДАГИ 8-10 СИНФНИ БИТИРГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртини битирганларга диплом берилади ва улар қурилиш бошқармасига ишга юбориладилар. **Билим юртини аъло ва яхши баҳолар билан битирганларга олий ўқув юртларига йўлланма берилади.**

Ўқиш даврида ўқувчилар 3 маҳал иссиқ овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 50 процентини билан таъминланадилар.

10 синфни битирганлар 30 сўм стипендия оладилар. Совет Армиясини битириб келганлар 60 сўм стипендия оладилар.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига киради.

Билим юртини битирганларга «Ташпромстрой» бошқармасига йўлланма берилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: билим юрти директори номига ариза, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома (ёки паспорт), маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см.). соғлиғи тўғрисидаги справка (286-форма).

Аризалар ҳар куни соат 9 дан соат 17.00 гача қабул қилинади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Багратион кўчаси, 4-уй. Телефон 64-18-41. (17-автобуснинг «12-турар жой шаҳарчаси; 13-трамвайнинг 2-«Шимолий-Шарқ» бекатлари).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

227-ШАҲАР ЎРТА-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТЎҚУВЧИЛАР, ЙИГИРУВЧИЛАР, КАЛАВАЛОВЧИЛАР, ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР БЎЙИЧА КОНТРОЛЕРЛАР, ЭЛЕКТРОМОНТЕРЛАР, ТЎҚУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ МАСТЕРИНИНГ ЁРДАМЧИЛАРИ, ПАРДОЗЛАШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИНГ СЛЕСАРЬ-РЕМОНТЧИЛАРИ.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқишга 8-синф ҳажмида маълумот билан кирганлар 3 йил ўқийдилар ва улар бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси даврида топган меҳнат ҳақларининг 50 процентини оладилар. Билим юртини тугатгач ўрта маълумот ва эгаллаган касблари тўғрисида диплом оладилар.

Билим юртига ўрта маълумот билан кирганлар 1 йил ўқийдилар ҳамда улар 70 сўм стипендия ва ишлаб чиқариш практикаси даврида топган меҳнат ҳақларининг 50 процентини билан таъминланадилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ ЯХШИ ВА АЪЛО БАҲОЛАР БИЛАН БИТИРГАНЛАР ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ЙЎЛЛАНМА БИЛАН ЎҚИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

Билим юрти қошида тикиш-бичиш, бадиий ҳаваскорлик, бадиий тўқиш тўгараклари ҳамда спорт секциялари мавжуд.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Бешёғоч, Олмазор кўчаси, 185-уй. (7, 11, 13, 51, 103, 122, 123, 130-автобуслар; 2, 3, 6, 7, 13, 14-троллейбусларнинг «метронинг «Халқлар дўстлиги» станцияси бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

46-КЕЧКИ-СМЕНАЛИ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984—1985 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Радио-телевизион аппаратураларга хизмат кўрсатиш ва уларни тузатиш бўйича радиотелемеханик — пуллик группа, битириш эркин; телефон ускуналари монтажи бўйича алоқа монтажчилари, 09 ахборот—справка хизмати телефони телефонистн, кабелчи-қалайловчи, шаҳар телефон станцияларн электромонтёрлари, почта вагонни ўринбосари, почта алоқаси сараловчилари.

09 ахборот—справка хизмати телефонистлари ва алоқа монтажчилари группаларига 8—10 синф ҳажмида маълумотли 16 ва ундан катта ёшдаги қизлар қабул қилинади; кабелчи-қалайловчилар, шаҳар телефон станцияларининг электромонтёрлари, почта вагонлари бошлиқларининг ёрдамчилари ва почта алоқасини сараловчиларини тайёрлайдиган группаларга 8—10 синф ҳажмида маълумотли 17 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

Билим юртига Тошкент шаҳрида пропискага эга бўлганлар ҳамда бошқа шаҳарликлар ҳам қабул қилинадилар.

Ўқувчиларга танланган касбларига қараб ҳар ойда 56 сўмдан 75 сўмгача стипендия тўланади.

Ўқиш муддати 1 йил ва 6 ой.

Билим юртини тугатганлар (радио-телемеханиклардан ташқари) база корхоналарига ишга юбориладилар.

Машғулотлар 1 сентябрдан ва группалар комплектланганидан сўнг бошланади.

Билим юртини муваффақиятли битирганлар ўрта ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директори номига ёзилган ариза, таржимаи ҳоли, турар жойидан справка, медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат, маълумоти тўғрисида ҳужжат.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 51-уй (Госпиталь бозори ёнида, 8, 9, 10, 24-трамвайларнинг «Кафанов кўчаси», 2, 3, 80-автобусларнинг «Госпиталь бозори» бекатлари).

ТРИКОТАЖ ЛИБОСИНИНГ БАҲОСИ ЙЎҚ

Биз трикотаждан тайёрланган буюмларни кийиб, ишга, меҳмонга, театрга борамиз, дам оламиз, спорт билан шуғулланамиз ва ҳамма вақт бундай кийимларда ўзимизни қулай, эркин, ишончли ҳис этамиз.

Трикотаж либослари бошқа кийим-кечаклар билан яхши мутаносиблашади, ювиш жуда ҳам осон, дазмолламаса ҳам ҳам қолмайди.

Агарда сиз гардеробингизни трикотаждан тайёрланган янги кийимлар билан бойитиш ниятида бўлсангиз

«ЧИЛОНЗОР» МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГИЗ!

Магазинда 24-25 август кунлари

«Тошкент «МАЛИКА» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг либослари

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Савдо-кўргазмасидан қуйидаги буюмларни сотиб олиш мумкин: хотин-қизлар ва болалар кўйлаклари, ички кийимлари, жемперлар, тоза жун ва жун аралашган матолардан тўқилган спорт костюмлари, шимлар, футболкалар.

«Чилонзор» Марказий универсал магазини соат 9 дан 21.00 гача ишлайди (танаффуссиз ва дам олиш кунисиз).

«Чилонзор» Марказий универсал магазинига қуйидаги транспорт воситалари билан етиб борилади: 33, 54, 50, 34-автобуслар, 7, 9, 11, 16-троллейбусларнинг «Чилонзор» Марказий универсал магазини бекати).

«ЧИЛОНЗОР» МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ (телефон 77-14-31).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Узбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

ТОШКЕНТ ОТЧОПАРИДА

ҲАР ЯКШАНБА КУНИ СОАТ 11.00 ДА

ПОЙГАЛАР ЎТКАЗИЛАДИ

ПРОГРАММАДА:

АНЪАНАВИЙ ВА НОМЛИ СОВРИНЛАР УЧУН МУСОБАҚАЛАР БОР.

ОТЧОПАРДА ЎЙИН АТТРАКЦИОНЛАРИ ИШЛАБ ТУРИБДИ.

Пойгада Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССР колхоз, совхоз ва от заводларининг энг яхши тулпорлари иштирок этади.

ОТ-СПОРТ ЛОТЕРЕЯСИ (тотализатор) ИШЛАЙДИ.

Совуқ ичимликлар билан савдо қилувчи буфет томошабинлар хизматида.

«БЕГА» ресторани ишлайди.

Отчопарда йил бўйи (душанбадан ташқари) чавандозлик учун от ва уч от қўшилган аравача прокатга берилади.

ОТЧОПАР КОРХОНА ВА МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ БИЛАН ЧАВАНДОЗЛИК УЧУН ОТЛАРНИ ПРОКАТГА БЕРИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ.

Аҳолидан тўй тантаналари учун уч от қўшилган рус аравачаларига буюртмалар қабул қилинмоқда.

КИРИШ БЕПУЛ.

Отчопар адреси: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти (метронинг «Собир Раҳимов» станцияси; 103, 122, 123, 130, 132, 178-автобусларнинг «Ипподром» бекати).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«ИНТЕРЦИРК-84» чет эл цирк артистларининг томошалари.**

КИНО

24, 25, 26 АВГУСТДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЧАНГАЛЗОРЛАР ҚИРОЛИ» — **Санъат саройи** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45, телефон 44-21-74).

«ДИНОЗАВР ҲАҚИДА АФСОНА» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69); **Қозоғистон** (тоқ ва жуфт соатларда, телефон 35-24-92).

«БЛЕФ» — **Ватан** (жуфт соатларда), **Фестиваль** (21.20, телефон 32-78-02), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«АЙБЛАШ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 58-36-06), **К. Ерматов номли** (тоқ ва жуфт соатларда, телефон 24-22-66), **Янгиобод** (тоқ соатларда, телефон 96-36-21), **С. Раҳимов номли** (тоқ соатларда, телефон 48-46-71).

«ИМКОНИЯТ» — **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 58-36-06), **С. Раҳимов номли** (тоқ соатларда, телефон 48-46-71).

«ҚАЙСАРНИНГ ҚУЮЛИШИ» — **Дружба** (тоқ ва жуфт соатларда, телефон 66-15-75).

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалик ютуқлари кўргазмасининг

ДАМ ОЛИШ ЗОНАСИДА

26 август соат 11.00 дан 17. 00 гача

«ЎЗБЕКИСТОННИНГ САЙРОҚИ ҚУШЛАРИ ВА ЖАҲОН ФАУНАСИ»

КУРИК КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Кўргазмага марҳамат қилинг!

Дам олиш зонасига 28, 16, 2, 29, 25-трамвайлар, 115, 119, 9, 60, 51, 24, 44, 91, 8-автобуслар билан борилади.

Тошкент район, Келес шаҳридаги 1-кечки ўрта мактаб томонидан **Рустамов Баҳодир Ғаниевич** номига берилган 999504 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТВ

ЖУМА

24 АВГУСТ

● МТ I

17.55 Молдавия ССР Давлат телерадиосининг «Фольклор» халқ куйлари оркестри ижро этади.
18.20 «Муаммолар — изланишлар—ечимлар». Автор ва кўрсатувни олиб борувчи сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский.
19.05 «Дунё воқеалари».
19.20 Халқаро Дўстлик мусобақаларида. Баскетбол. СССР — Колумбия терма командалари. Сузиш. Велоспорт. Мерганлик.
20.40 «Табассум билан». Киноконцерт.
21.30 «Время».
22.00 Халқаро Дўстлик мусобақаларида. Спорт гимнастикаси. Сузиш.
22.40 «Мусобақалар кундалиги».
22.55 «Сопот-84» эстрада қўшиқлари халқаро фестивали.
23.55 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 И. Брамс. 4-симфония.
19.30 «Саёҳатчилар клуби».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Дўстларимиз чеҳраси». Кўрсатувни ёзувчи А. Алексин олиб боради.
21.30 «Время».
22.00 «Ҳосиятсиз мерос». «Майор Земан билан содир бўлган 30 воқеа» туркумидан телевизион бадиий фильм премьераси (ЧССР).
23.25 Халқаро Дўстлик мусобақаларида. Баскетбол. Хотин-қизлар. СССР—Куба терма командалари.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Болалар учун фильм. «Башараси олачипор».
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «ССО-84».
19.00 «Ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш — умумхалқ иши» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Олам дарди адиб қалбида». Кўрсатувни Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати Л. Қаюмов олиб боради.
20.30 «Ахборот».
20.50 УзССР халқ артисти М. Шамаева ҳамда республика Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари Исмоилжон ва Исроилжон Ваҳобовлар концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Дунё воқеалари».
22.30 «Театр билан учрашув». М. Горький номидаги Рус давлат академик драма театри.
23.35 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.25 Кўрсатувлар программаси.
18.30 «Кундузги сеансга икки билет». Бадиий фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Шахтёрлар кунига бағишланган кинопрограмма.
21.30 МТ II

Шанба

25 АВГУСТ

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 «Советское кино». Киножурнал.
9.45 «Спортлото»нинг 34-тиражи.
9.55 «Сизни қизиқтирган адабиётлар».
10.40 «ГДРнинг ишчилар фестивали». Музикали кўрсатув.
11.40 «Усимликлар дунёси».
12.25 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ғолиблар», Фронтдош дўстлар клуби.
13.45 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
14.15 «Мўъжизасиз — мўъжизалар».
15.10 «Дунё воқеалари».
15.25 Цирк томошалари.
16.20 Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати.
16.50 Мультфильм.
17.05 Халқаро Дўстлик мусобақаларида. Дзюдо. Мерганлик. Қўл тўпи. Хотин-қизлар. СССР—ГДР терма командалари.
18.10 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
18.40 «Ўртоқ қўшиқ». Бутуниттифоқ телеконкурси. Архангельскдан олиб кўрсатилади.
19.15 «9-студия». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. С. Зорин олиб боради.
20.15 «Ануш ая». Телевизион бадиий фильм премьераси.
21.30 «Время».
22.05 «Мусобақалар кундалиги».
22.20 «Шиддатли ва ажойиб дунё». Ҳужжатли фильмлар.
22.30 Халқаро Дўстлик мусобақаларида. Бокс. Финал. Академик эшкак эшиш.
24.00 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 Ритмик гимнастика.
10.00 «Тонгги почта» музикали кўрсатуви.
10.30 Болалар учун фильм. «Мунгли горн».
11.45 РСФСР халқ артистлари Н. Павлова ва В. Гордеев-лар рақсга тушади.
12.35 КАРЕЛИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
13.35 «Денгиз узра қўшиқлар». Одессадан олиб кўрсатилади.
14.00 Халқаро Дўстлик мусобақаларида. Академик эшкак эшиш. Спорт гимнастикаси. Стендга отиш.
16.00 «Кинотомошабин ҳамроҳи».
16.45 «Ҳужжатли экран». Киноилова.
17.35 «Музикали киоск».
18.05 «Афсонага айланган қиз». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-серийлар («Узбекфильм»).
20.15 «Халқаро обзор».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Здоровье».
21.30 «Время».
22.05 «Тракторчилар». Бадиий фильм.
23.30 І. Пономаренко қўшиқлари. Краснодардан олиб кўрсатилади.
23.55 «Гекто» ёшлар клуби». Телефильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Ёнаётган қоялар ҳазинаси». Бадиий фильм.
11.45 «Ҳужжатли кино экрани».
12.30 «Ҳовлимиздаги стадион» (рус.).
13.00 «Нонвой». Фарғона область Ўзбекистон районидаги Пастки қўриқ қишлоғининг нонвойи Р. Йўлдошев ҳақида телеочерк.
13.10 «Ўқитувчиларнинг Август кенгаши». Ўқитишнинг илмий-методик хусусиятлари.
13.40 «Ижод саҳифалари». Муса Жалил.
14.25 «Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак».
16.55 Кўрсатувлар программаси.
17.00 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевидениеларининг биргаликдаги программаси. Душанбадан олиб кўрсатилади.
18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари».
18.25 Болалар учун фильм.
18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Чин сеҳргарлик».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Ғўзаллик ҳадя этиб» Телефильм.
21.00 «Дилафрўз Жабборова рақсга тушади». Фильм-концерт («Узбектелефильм»).
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дефолиация: мутахассислар маслаҳати».
22.20 Телевидение экранида биринчи марта. «Оқ тунлар тароналари». Бадиий фильм (рус).
23.55 Кўрсатувлар программаси.
● 18.30—21.30 ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

4 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

24 АВГУСТ, 1984 й. Р—12407. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12